

BANKLARNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHDA MOLIYAVIY TEKNOLOGIYALARNING IMKONIYATLARI

ESHONQULOV AZAMAT ABDIRAXIMOVICH,
TDIU “Buxgalteriya hisobi” kafedrası assistenti

MAMADALIYEVA RUZIGUL KENJA QIZI

TDIU “Moliya va Buxgalteriya hisobi” fakulteti
talabasi

[https://doi.org/10.47689/STARS.univer-](https://doi.org/10.47689/STARS.university-5-pp134-137)
sity-5-pp134-137

Annotatsiya: Ushbu maqolada banklarni raqamli transformatsiya qilishda biometrik texnologiyalar, blokcheyn texnologiyasi, sun’iy intellekt, raqamli kreditlash, regulatory technology va pul o’tkazmalarining imkoniyatlari tahlil qilingan. Ushbu tadqiqotning natijalari bank xizmatlarini masofadan ko’rsatish tizimlarini moliyaviy texnologiyalar imkoniyatlari asosida rivojlantirishga xizmat qiladi.

Kalit so’zlar: Biometrik texnologiyalar, blokcheyn texnologiyasi, sun’iy intellekt, raqamli kreditlash, regulatory technology, pul o’tkazmalari.

КИРИШ

Ривожланган давлатлар амалиётига кўра, тижорат банкларида банк хизматларини масофадан кўрсатиш ва банк хизматларини рақамлаштириш орқали банк тизимидаги муаммоли ҳолатлар учун қулай молиявий ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, жаҳон банк тизими ҳам рақамли ёрдамчилар, рақамли банклар, биометрик технологиялар, мобил иловалар, блокчейн технологияси, сунъий интеллект ва бошқа замонавий молиявий технологиялар билан тараққий топмоқда. Натижада, улар ёрдамида банк ва мижозлари жисмоний алоқасиз, банк биносига бормасдан пул маблағларини бошқариши, кўп сонли мижозларига навбатсиз хизмат кўрсатиш, вақт ва харажатларни тежаш имкониятлари ошди.

Биометрик технологиялар. Рақамли иқтисодиёт асрида молиявий хизматлари саноати кибер-автоматларга нисбатан заифлашаган. Шунинг учун «FinTech» саноати учун хавфсизлик биринчи ўринда туради. Фирибгарликларнинг олдини олишнинг йўлларида бири биометрик технологияларни қўллашдир. Бироқ биометрик аутентификация қилишнинг ягона афзаллиги хавфсизлик эмас. Ушбу технология орқали иловага киришни осонлаштиради ва тезлаштиради.

Блокчейн технологияси. Молиявий хизматлар сектори блокчейнни биринчилардан бўлиб кашф этди. Блокчейн технологиясидан фойдаланишда тизимнинг шаффофлиги туфайли кўплаб «FinTech startup»лар қилинмоқда.

Блокчейннинг яна бир афзаллиги, молиявий операцияларни автоматлаштирилган ақлли шартномадир. Шунинг учун молиявий институтлар ушбу технологияга катта эътибор қаратилиши кутилмоқда.

Сунъий интеллект. Аксарият экспертлар сунъий интеллектни яқин келажакда «FinTech»га катта таъсир ўтказишини таъкидламоқда. «FinTech» санаоти сунъий интеллектдан фойдаланишига бир қатор сабаблар мавжуд. Аввало сунъий интеллект маълумотларни таҳлил қилиш каби вазифаларни автоматлаштирган, бу эса анча вақтни тежашга ёрдам беради. Бундан ташқари технология «chatbots» ва маслаҳатчи роботларни яратиш учун, мижозларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали фирибгарликларни аниқлашда ҳам ишлатилади. Банк ходимлари учун овозли ёрдамчилар ишлаб чиқарилмоқда. «OCBC Bank» яқинда Сингапурда «Google» билан ҳамкорликда биринчи сунъий интеллект ёрдамида овозли банкни ишга тушурди. Бу мижозларга кредитлари миқдорини ҳисоблаш, маблағларини бошқариш, банк янгиликларидан хабардор бўлиш, банкнинг яқин филиаллари ва банкоматлари тўғрисида маълумот олиш каби банк хизматларини суҳбатлашиши орқали амалга оширишга ёрдам беради.¹

Кредит бериш жараёнини рақамлаштириш банклар учун яхши қарорлар қабул қилиш, мижозлар тажрибасини яхшилаш ва сезиларли харажатларни тежаш каби қатор кучли имтиёзлар беради. Бу ҳам мураккаб ва машаққатли лойиҳадир.

Рақамли кредитлаш - бу молиявий институтларга тезроқ хизмат кўрсатиш билан бирга унумдорликни ошириш ва кредит фойдасини ошириш имконини берувчи технология. Бу потенциал қарз олувчиларга бутун дунё бўйлаб исталган жойдан интернетга уланган ҳар қандай қурилмадан кредит маҳсулотларига мурожаат қилиш имконини беради. Бироқ, технологиялар ривожланиши ва истеъмолчилар талаблари ривожланиши билан рақамли кредитлаш тушунчаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Мижозлар банкларда аризаларини кўриб чиқилишини ва қарорлар қабул қилишларини кутишади. Ҳозирда қоғозсиз хизмат кўрсатиш одатий ҳолга айланган ва банклар мижозларга тезлашиш учун одатдагидан ташқари рақамли кредитлаш амалиётларини тақдим этишлари керак. Рақамли кредитлаш қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ариза топшириш жараёнини соддалаштириш. Турли жиҳатларга кўра, мижозлар маълумотларини кредитлашни бирлаштириш ва рақамлаштириш қарз олувчи тажрибасини яхшилайдди. Жараён шаффофлигининг яхшиланиши ва қарор қабул қилиш жараёни тезлашади. Онлайн кредит аризаси барча ариза маълумотларини сақлайдиган марказий маълумотлар базасини яратади. Банк рақамли банк платформасидан фойдаланганда, мижоз аризани тўлдириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этганда, бутун молиявий пакет автоматик равишда янгиланади.

2. Кредит маълумотларини рақамлаштириш. Ахборот оқими ва унга киришни рақамлаштириш бутун кредитлаш жараёнига катта фойда кел-

¹ Mamadiyarov, Z. (2019) "REMOTE BANKING SERVICES AND DEVELOPMENT PROSPECTS IN UZBEKISTAN," International Finance and Accounting: Vol. 2019: Iss. 3 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/15>

тиради. Бу шаффофликни яхшилайти ва маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни камайтиради.

3. Таҳлил учун кредитлаш маълумотларидан фойдаланиш. Молиявий институтлар кредитлаш жараёнининг таҳлилий жараёнларини ҳам рақамлаштириши мумкин. Кредиторлар ва таҳлилчилар кўпинча турли баҳолаш ва баҳолаш усулларида фойдаланишади. Ушбу номувофиқликлар кўпинча нотўғри ҳисоб-китобларга олиб келади, бу эса нотўғри кредит қарорлари ва нотўғри ҳисоботларга олиб келади. Бироқ, рақамли банк платформасига интеграцияланган рақамли кредитлаш тизими ҳар бир кредит маҳсулотини тез ва аниқ таҳлил қилиши, тасдиқлаши ва нархини белгилаши мумкин. Шу билан бирга, кредитлаш билан боғлиқ барча маълумотларнинг бир жойга тўпланиши натижасида, банклар портфел рискин баҳолаш ва стратегик қарорлар қабул қилишда аниқлик ошади.

4. Мобил кредитлаш хусусиятлари ва ҳужжатларни электрон имзолашни таклиф қилиш. Муайян мижозлар, хусусан, мобил телефонлар орқали қарз олишни афзал кўрадилар, чунки улар кундалик вазифаларининг кўп қисmini телефонларидан бажаришга одатланган ва кредит олиш жараёнлари ҳам бундан мустасно эмас. Улар тегишли ҳужжатларни тўплаш, расмийлаштириш ва имзолаш учун жисмоний филиалларга ташриф буюриш билан боғлиқ қийинчиликларни хоҳламайдилар.

5. Кам таъминланган ёки кредит олмаган мижозлар учун кредит вариантларини тақдим этиш. Молиявий институтлар анъанавий кредитлаш амалиётида асосан кредит балларига таянади. Кредит баллари кредиторларга бўлажак мижознинг олдинги қарз олиш хатти-ҳаракатларини чуқур ўрганишни таклиф қилади. Бироқ, кўплаб мижозлар биринчи марта кредит олмоқчи бўлса ва ўрнатилган кредит тарихига эга бўлмаса анъанавий кредиторлар баъзида кредит тарихига эга бўлмаган қарз олувчиларга қарз беришдан бош тортишади.

Бошқа томондан, рақамли кредитлаш қисқа муддатли кредитлар учун қаттиқ текширувлардан воз кечишди. Улар кредит балларига ёки ҳеч қандай молиявий маълумотларга таянмайдилар, бу эса биринчи марта кредит олувчиларга қулай саналади. 2008 йилги глобал молиявий инқироздан кейин банклар ва бошқа молия институтлари томонидан фаолиятни тартибга солинишига йиллик харажатлар сезиларли даражада ошди. Рискларни яхшироқ бошқариш учун бир нечта тартибга солувчи органлар институтлардан тез-тез катта ҳажмдаги маълумотлар ҳақида хабар беришларини кутишади. RegTech рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали тартибга солиш мажбуриятларини бажариш учун тежамкор ечим таклиф қилади. Регуляторлар учун маълумотларга кириш бозордаги ўзгаришларни самарали мониторингини осонлаштиради. Молиявий хизмат кўрсатиш сектори узоқ вақтдан бери такомиллашиб бормоқда ва уларни тартибга солиб бориш учун қоидалар ҳам такомиллаштирилмоқда. Бутун дунёда молия секторидаги тартибга солувчи ўзгаришлар ҳайратланарли даражада ошиб бормоқда. Янги меъёрий ўзгаришларнинг кўплиги сабабли молия институтларида юқори мураккабликни келтириб чиқармоқда. Regulatory Technology (RegTech) буни бартараф этиш учун FinTech экотизимида ҳуқуқий мустаҳкам пойдевор яратди ва молиявий институтлар дуч келади-

ган янги ва мураккаб қоидалар, суд жараёнлари ва тартибга солувчи тузатиш соҳаларига қаратилган ечимларни ишлаб чиқди. Банклар томонидан қўлланиладиган ҳозирги эски ечимлар бутун дунё бўйлаб тартибга солувчилар томонидан тобора кўпроқ амалга оширилаётган қатъий талабларга жавоб бермаяпти. RegTech бу банклар учун мавжуд модел талабларига жавоб беришнинг муаммосиз усули. RegTech миждозларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш, фирибгарларни аниқлаш, янги қоидаларга тезроқ мослашиш, маълумотлар йиғиш ва маълумотлар таҳлилини яхшилаш ҳамда бошқа устуликларга эга.

Фикримизча, банк секторини тубдан трансформация қилишда банк хизматларини масофадан кўрсатиш турларини амалиётга жорий қилишда мамлакат инфратузилмаси иқтисодий ва технологик ҳолатига қараб жорий қилиш лозим. Яъни, айрим технологияларни тўғридан-тўғри жорий қилиш айти дамда Ўзбекистон банк тизими учун ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин. Ундан ташқари, Ўзбекистонда интернет тезлигининг ҳаддан ташқари секин ишлаши, республиканинг кўплаб чекка жойларида интернет ва алоқанинг сифати жуда ёмон эканлиги сабабли ҳар бир молиявий технология ва тизимларнинг ишлаш механизмини ўрганиб чиқишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. З.Т.Мамадияров. Банкларни трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматларини ривожлантириш: назария, амалиёт ва хориж тажрибаси. Монография. - Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» нашриёти, 2021. 192 бет.

2. <https://www.indiatoday.in/information/story/different-types-of-money-transfer-nefttrtgs-imps-and-more-1464289-2019-02-25>

3. Mamadiyarov, Z. (2019) "REMOTE BANKING SERVICES AND DEVELOPMENT PROSPECTS IN UZBEKISTAN," International Finance and Accounting: Vol. 2019: Iss.3, Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/15>